

ШАРТНОМА № 04/2022

Ичимлик суви отказиб бериш ва окова (канализация) хизматларини кўрсатиш бўйича.

Сариосиё тумани

«24» «январ» 2022 йил

Сўрхондарё вилояти Сариосиё тумани "Сув таъминоти" МЧЖ кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилувчи низом асосида иш юритувчи раҳбар А.Назаров бир томондан ва Сариосиё МТБ бундан бўён «Истеъмолчи» деб аталувчи, раҳбари Р.Корасва низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1 Ушбу шартнома асосида «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи» ўртасида ичимлик сувини отказиб бериш ва окова сувларни чиқариш юзасидан муносабатлар урнатилди.

1.2 «Таъминотчи» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги №194-сонли Қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари» (матн давомида «қоидалар» деб юритилади) асосида «Истеъмолчи»нинг ҳужалик маиший эҳтиёжлари учун ичимлик сувини отказиб бериш ва окова сувларни чиқариш мажбуриятини олади.

1.3 «Истеъмолчи» амалдаги тариф ва меъёрлар асосида ишлатилган ичимлик суви ва чиқарилган окова сувлар учун ўз вақтида туловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги №194-сонли Қарорига ва «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га асосан тарафлар ушбу шартноманинг шартларини бажариш мажбуриятини оладилар.

2. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА

СУВНИ ЧИҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИНИ ХИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТНОМА МИҚДОРИ.

2.1. «Истеъмолчи» томонидан қабул қилиб олинган 7059 м³ ичимлик сувиға 1 м³ учун 2744 сум (ҚҚС) суммаси билан 3155 сум сумдан жами 22 271 145 (ИЙ ГИРМА ИККИ МИЛЛИОН ИККИ ЮЗ ЕТИМИШ БИР МИНГ БИР ЮЗ КИРК БЕШ) __ сумни ташкил қилади.

2.2 «Истеъмолчи» томонидан сарфланган сув ҳажми Қоидаларга мувофиқ ўрнатилган сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича аниқланиши лозим.

2.3 Сувни ҳисобга олиш асбоби билан таъминланмаган «Истеъмолчи»лар томонидан сарфланган сув миқдори Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган амалдаги сув истеъмоли нормаларига мувофиқ, сув бериш жадвалидан катъий назар аниқланади. Шунда Қоидаларнинг 87. банди "а" кичик бандига асосан сувдан фойдаланиш нормалари қўлланилади.

2.4 «Истеъмолчи»нинг коммунал канализация тизимига чиқариладиган окова сувлари миқдори коммунал сув таъминоти тизимидан сарфланган сув миқдорига тенг деб қабул қилинади.

3. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВНИ ЧИҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ.

3.1. Сарфланган ичимлик суви учун ҳисоб-китоб «Истеъмолчи»нинг сув ўлчагич кўрсаткичлари асосида олиб борилади, агарда сув ўлчагич асбоби мавжуд бўлмаса, шартноманинг 2.2. банди қўлланилади.

3.2 Ичимлик сув таъминоти ва окова сув хизматлари учун туловлар истеъмолчи томонидан олдиндан ҳар ойлик режалаштирилган 100% миқдорида пул ўтказиш йўли билан билан, амалга оширилади.

3.3. Туловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун юридик шахслар 0,4% пеня тулайдилар. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

4.1 Таъминотчининг ҳуқуқлари:

«Таъминотчи» «Истеъмолчи» 7- кун аввал ёзма равишда огохлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва окова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

«Таъминотчи» мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилмалари ва ишоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида қўздан кечириш ва таъминотчи ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда «Истеъмолчи» томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

«Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи» уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари ва қурилмаларида режали-огохлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек янги абонентларни улаш ишлари амалга оширилганда;

«Истеъмолчи» томонидан сув таъминоти ва окова сувларни чиқариш хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ туланмаганда; «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у окзизлаётган окова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда

«Таъминотчи» қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли: таъминотчи таъминотининг элекстр таъминоти тўхтатилганда; табиий офатлар рўй берганда; авария ҳолатларида;

енгин чиккан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда

4.2 Таъминотчининг мажбуриятлари:

Сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш:

истеъмолчилардаги сувнинг беҳуда оқиб кетиши ва оқилона фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сув бериш ва ундан фойдаланишни катъий назорат қилиш истеъмолчиларга сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларини ўрнатиш, белгиланган тартиб ва муддатларда уларни назоратдан ўтказилишини назорат қилиб туриш;

уч ойда бир марта истеъмолчининг ичимлик сув ва канализация ҳужаликларини назоратдан ўтказиб туриш (сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларининг ишлаши ва иломбалар бутлигини қўздан кечириш, кўрсаткичларини ёзиб бориш), назорат юзасидан тегишли далолатномалар тузиш ҳамда бир нусхасини «Истеъмолчи»га бериш; истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этилмаганда суд органларига мурожаат қилиш; ичимлик сув ва канализация тизимида рўй берган бузилишлар аниқланган кундан бошлаб бир сутка мобайнида уларнинг сабаблари, хизмат кўрсатишдаги

тўхтатилиш муддатлари ва чекланишлар, шунингдек кўрсатилаётган хизмат сифатларининг ўзгариши сабаблари ҳақида истеъмолчиларга ахборот бериш;

ичимлик сув ва канализация хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш, ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириш;

ичимлик сувни истеъмол қилишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан истеъмолчиларни алоқа воситалари орқали хабардор қилиш;

ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

ичимлик сув тармоғида таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни олиб борилаётган ҳолларда ҳамда ичимлик сув (канализация) туловлари ўз вақтида туланмаган тақдирда ушбу шартномада назарда тутилган шартлари «Истеъмолчи» томонидан тўлиқ бажарилмаганда олдиндан огохлантириш ичимлик сувини беришни тўхтатиш ва тармоқдан узиб қўяди. Узиш ва қайтадан улаш харажатлари учун истеъмолчи алоҳида (энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида) туловни амалга оширадди, ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган туловларнинг ҳолат қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этади;

4.3 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

таъминотчилдан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳаяф тугдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги, ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш; таъминотчидан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиши ўзига тегишли сув тармоғининг ва иншоотларининг техник ҳолати ва фойдаланишини керакли равишда назорат қилади ва ўз ҳудудида ичимлик сувнинг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланишни бартараф қилишни амалга ошириш; сув тармоғига уланишдан олдин «Таъминотчи»дан техник шартларини олади, унга сув таъминотининг лойиҳасини ва ўзига қарашли (шаҳар, туман) сув тармоғига уланиш ёки ундан узилиш харажатларини ўз зиммасига олади.

4.4. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

таъминотчи билан тузилган шартнома доирасидаги мажбуриятларини бажариш, жорий ойнинг 23-25-санасида сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри ва ўз вақтида қайд қилиб бориш, жорий ойнинг сўнгги санасигача таъминотчи ташкилотига кўрсаткич маълумотларини алоқа воситалари ёрдамида ёки ёзма равишда тақдим этиш; сувни ҳисобга олиш асбобларида яққол кўруниб турган носозликлар аниқлангандп алоқа воситалари орқали таъминотчига дарҳол хабар бериш;

таъминотчилар (аввалдан оғзаки ёки ёзма равишда келишилган ҳолда) таъминотчи ташкилоти вакилининг у хизмат гувоҳномасини тақдим этгач, белгиланган тартибда ўз ҳудуди ёки тасарруфидаги Сувни ҳисобга олиш асбоблари, узеллари, ичимлик сув ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотлари олдида соат 09:00 дан соат 18:00 гача тусиксиз боришини таъминлаши шарт. авария ҳолатлари бундан мустасно.

Истеъмолчи ҳудудида жойлашган, сув ўлчаш узели, коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида олиб бориладиган барча турдаги ишларни бажаришга бегона шахсларни киритмаслик;

Ичимлик сувдан дов-дарахтларни сугориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, ИСКХ тапқилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00- 00 дан соат 05-00 гача) йўл қўйилади. Агарда «Истеъмолчи» ушбу белгиланган тартибга амал қилмаса унга нисбатан далолатнома тузилиб, белгиланган миқдорда жарима тўлайдп ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сувларни чиқариш бўйича тўловлар ҳужжатларини 5 йил мобайнида сақлаш;

4. АЛОҲИДА ШАРТЛАР:

5. Белгиланган муҳлатда, «Истеъмолчи» томонидан тўловлар амалга оширилмаган тақдирда огоҳлантириш хати юборилади, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га сув етказишни тўхтатади ва иқтисодий судга ёки даъво аризаси билан мурожаат қилади.

5.2 Сув етказиш «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га мавжуд қарзларни тўлиқ тўлагандан сўнг, ёки ёзма равишда қарзларни тўлаш зиммасига юклатилгандп кейин қайта тикланади. Ушбу ҳолатда агар «Истеъмолчи»нинг сув тармоғи марказий сув тармоғидан узилган бўлса нида ушбу узиш ва қайта улаш харажатларини «Истеъмолчи» тўлаб беради.

6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ:

6. Истеъмолчини меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга ҳамда ўзаро тузилган шартномага мувофиқ сифатли ичимлик суви билан таъминлаш (етказиб бериш), оқова сувларни чиқариш;

6.2 Истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларига уланиш учун ўз вақтида, қонуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

6.3. Сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларини ўз вақтида давлат назоратидан ўтказиш, белгиланган муддатларда истеъмолчилардаги сувни ҳисобга олиш асбобларининг ечиб олиниши, ўрнатилиши, кўрсаткичлари назорат қилиниши ва текширув ўтказилиши ҳақида огоҳлантириш;

6.4 Таъминотчи ва истеъмолчи шартнома шартлари ва ўзига юкланган мажбуриятларни бажармаганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгардир.

6.5 Таъминотчи истеъмолчининг айбига қўра сув билан таъминлашда узилишлар бўлганлиги учун жавоб бермайди.

6.6. Ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун ҳар ойда тўловларни «Таъминотчи»нинг махсус ҳисоб рақамига тўлаш;

6.7. Томонлар ўртасида келишмовчилик ва низолар ўзаро келишилган ҳолда ечилиши лозим, ечимини топмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида суд органларига мурожаат қилишлари мумкин.

6.8 Томонлар ўртасида Шартнома: бекор қилинган тақдирда ҳам, улар келтирилган зарар ва ўзаро қарздорликни тўлаш жавобгарлигидан озод қилинмайдилар.

6.9 Шартноманинг бажарилишида ва шартномада аке эттирилмаган масалаларни ҳал қилишда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида иш юритадилар.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

7.1 Ушбу шартнома Ҳазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган қундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амалда бўлади.

7.2 Шартноманинг шартлари томонларнинг келишуви бўйича фақат ёзма равишда ўзгаририлиши мумкин.

7.3 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил ҳуқуқий қучга эгадир.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

“ТАЪМИНОТЧИ”

Истеъмолчи

Сурхондарё вилояти Сариосиё туман сувтаъминот МЧДЖ бўлими

Манзил: Сариосиё туман Келажак сари маҳалласи

Тел: +99891 966 58 07

р/сч: 22638000204485720406

Банк: Термез Ипотека Банк

МФО: 00356 ИНН: 206310371

Р.Қороев

Номи: Сариосиё МТБ

Манзили: Сариосиё тумани

ш/хв 100022860222177091100251001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ: 207266330

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳатф х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент Шаҳар ХККМ МФО: 00014

СТИР: 201122914

РАХБАД

Р.Қороева



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№IU63287344

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

**“Ichimlik suvi yetkazib berish va oqova (kanalizatsiya) xizmatlarini
ko'rsatish to'g'risida”**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Sariosiyo tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi. 18.01.2022 y.

Sariosiyo tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 18-yanvardagi Sariosiyo tuman "Suv ta'minot" MCHJ bilan tuziladigan 22 271 145 (yigirma ikki million ikki yuz yetmish bir ming bir yuz qirq besh) so'm qiymatiga ega bo'lgan “Ichimlik suvi yetkazib berish va oqova (kanalizatsiya) xizmatlarini ko'rsatish to'g'risida”gi shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va ushbu loyihani qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuristkonsulti**



**V.Ravshanov
19.01.2022**